



YANGI O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM ILMIY-METODIK JURNAL



**“YANGI O'ZBEKISTON - MAKTAB OSTONASIDAN,
TA'LIM-TARBIYA TIZIMIDAN BOSHLANADI”**



“RENESSANS PUBLICATION”

ILMIY-TADQIQOT MARKAZI

YANGI O‘ZBEKISTONDA ILM–FAN VA TA’LIM

ILMIY-METODIK JURNALI

BARCHA SOHALAR BO‘YICHA

3-SON, MAY - 2021

2 – QISM



ICI WORLD of
JOURNALS

MUNDARIJA / TABLE OF CONTENTS / СОДЕРЖАНИЕ

1.	UCHINCHI DARAJALI DIOFANT TENGLAMALARI VA UNI YECHISH USULLARI Ashurova Dilfuza Nabiyevena Xalilov Abror Uchqun o'g'li	6
2.	САНОАТ СОҲАСИДА ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ Салимжанова Зилола Салимжон қизи Мамажонов Сардор Собиржон ўғли	11
3.	DEVELOPMENT OF FOREIGN ECONOMIC ACTIVITY AT INDUSTRIAL ENTERPRISES IN THE CONDITIONS OF MODERNIZATION OF ECONOMY IN UZBEKISTAN Odina Teshabaeva Sardor Mamajonov	23
4.	OILADA FARZANDLARNI MA'NAVIYATLI, MA'RIFATLI, YUKSAK BARKAMOL ETIB VOYAGA YETKAZISHDA PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK TARBIYANING AHAMIYATI Naxalova Yulduz Bekpo'latovna	37
5.	TALIM, ILM FAN VA ISHLAB CHIQRISHNING INTEGRATSIYASIDAGI MUAMMOLAR Bekmatova Umida Toshqulovna	40
6.	KOLLEKTIVLASHTIRISH JARAYONIDAGI QATAG'ONLARNING DARDOQ QISHLOG'IDAGI FOJEASI Maxammadyunusov Ahmadali Shuhrat o'gli	43
7.	MULTIMEDIA TEXNOLOGIYALARIDAN FOYDALANGAN HOLDA ELEKTRON O'QUV VOSITALARINI YARATISH TEXNOLOGIYASI Tillashayxova Maxsuda Abdusattarovna Samigova Gulandom Abdujabbarovna	48
8.	ERITMALARDA BORADIGAN KIMYOVIY JARAYONLARNI O'QITISH METODIKASI Sharipov Shavkat Raxmanovich Sharifov G'ulomjon Nabievich Sultonova Noila Tolibovna	52
9.	BIOLOGIYA FANIDAN TA'LIM TARBIYA JARAYONI TASHKIL QILISHDA LABORATORIYA MASHG'ULOTLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI Ho'jayeva Dilfuza Razoqovna	56
10.	YENGIL ATLETIKA SPORT TURI BO'YICHA QISQA MASOFALARGA YUGURISH (SPRINT)NING AXAMIYATI VA XUSUSIYATLARI Gafforova Lutfiya Komilovna	59
11.	БОЛАЛАР УЧУН МАҚОМ ЙЎЛЛАРИДА ИЖОД ЭТИЛГАН НАЗИРАЛАРГА БИР НАЗАР Ф.Қ.Максумова И.А.Дададжанова	63
12.	ЁШЛАР ИЖОДИ АБДУЛЛА ҚАҲҲОР НАЗАРИДА Зиёдов Сухробжон	67
13.	ИҚЛИМ ЎЗГАРИШИГА МОСЛАШИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАЛАР ТАҲЛИЛИ ҲАМДА МАМЛАКАТИМИЗДА ОЛИБ	72

	БОРИЛАЁТГАН ИШЛАР ҲУСУСИДА Кудратова Шоҳида Рахматалиевна	
14.	ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАСТУРИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ Расулова Зилола Дурдимуротовна Шодиева Ситора Улуғбек кизи	77
15.	Таджибаева Райхона Мухаммаджон кизи ПАРАМЕТРЛАРНИ СТАТИСТИК БАҲОЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИК ХОССАСИ	81
16.	DIFFERENCE SPEECH ETIQUETTE BETWEEN TWO COUNTRIES ENGLISH AND UZBEK Nuritdinov Umid	85
17.	BOSHLANG'ICH SINFLARDA INGLIZ TILI GRAMMATIKASINI O'QITISHNING SAMARALI USULLARI Nigora G'ofurova	89
18.	CHRONICLE OF ENGLISH PREFIXES Mirzayeva Gulnozaxon Ilxamovna	92
19.	MAKTABDA BIOLOGIYA XONASI VA TIRIK TABIAT BURCHAGINI TASHKIL ETISH Radjarova Feruza Xudayarovna	99
20.	ПЕДАГОГИК ТЕХНИКА ҲАҚИДА ТУШУНЧА ВА МОҲИЯТИ Асқарова Мухайё Рустамовна	102
21.	“OLMALIQ KMK” AJ MIS ERITISH ZAVODINING SULFAT KISLOTAS ISHLAB CHIQRISHDA CHANG TOZALOVCHI CHIQUINDI SUVLAR TARKIBIDAN RENIY MAHSULOTINI AJRATIB OLISH Xoliqulov Doniyor Baxtiyorovich Raximov Shoxrux Dilshod o'g'li Mamaraximov Safarali Kamolidinovich	106
22.	МАТЕМАТИЧЕСКИЕ МОДЕЛИ КРИВОЛИНЕЙНОГО И ПРЯМОЛИНЕЙНОГО ДВИЖЕНИЯ АВТОМОБИЛЯ С УЧЕТОМ УПРУГОСТИ И ДЕФОРМИРУЕМОСТИ ШИН Маматкабилов Абдилмажид Хужамуродович	118

ТАЛАБАЛАРНИНГ КРЕАТИВ ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ДАСТУРИЙ ТАЪЛИМ ВОСИТАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДИДАКТИК ИМКОНИАТЛАРИ

Расулова Зилола Дурдимуротовна

Бухоро давлат университети таянч докторанти

Шодиева Ситора Улуғбек қизи

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институту Бухоро филиали ўқитувчиси

Аннотация: Ушбу мақолада таълим самарадорлигини ошириш ва талабаларнинг креатив қобилиятларини ривожлантиришда дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари келтирилган.

Калит сўзлар: педагогик дастурий таълим воситалар, методик талаблар, психологик талаблар, креатив қобилият, тафаккур, мотивация.

Талабаларнинг инновацион билимларни излаб топиш маҳоратини, уларни қайта ишлашни ҳамда ўз амалий фаолиятида қўллай билишликдир, деб таъкидлаш мумкин. Креатив қобилиятга эга бўлган мутахассис муаммоларни ечишда ўзи ўзлаштириб олган, айнан шу шароитга мос методлардан фойдаланишни яхши билиши, ҳозирги вазиятга муносиб бўлган методларни танлаб олиб, қўллаши, тўғри келмайдиганларини рад этиши, масалага танқидий кўз билан қараши каби кўникмаларга эга бўлади деган хулосаларга келиш мумкин. Бўлажак “Технология” фани ўқитувчиларининг креатив қобилиятларини ривожлантиришда педагогик дастурий таълим воситаларининг анъанавий воситалардан устунлигини тасдиқловчи омиллари мавжуд бўлиб, бу омиллар дидактик, психологик, иқтисодий, физиологик гуруҳларга ажралган.

Дастурий таълим воситаларга қўйиладиган дидактик талабларга қўйидагилар киради: илмийлик, тушунарли, қатъий ва тизимли баён этилиши билан биргаликда (педагогика, психология, информатика, эргономиканинг асосий тамойилларини, замонавий фаннинг фундаментал асосларини ҳисобга олиб, ўқув фаолияти мазмунини қуриш имкониятини таъминлаш), узлуксизлик ва яхлитлик (илгари ўрганилган билимларнинг мантикий оқибати ҳамда тўлдирувчиси ҳисобланади), изчиллик, муаммолилиқ, кўргазмалилик, фаоллаштириш (ўқитиш мустақиллиги ҳамда фаоллилик хусусиятининг мавжудлиги), ўқитиш натижаларини ўзлаштириш мустақамлилиги, мулоқотнинг интерфаоллилиги, ўқитиш, тарбиялаш, ривожлантириш ва амалиётнинг яхлит бирлиги [1].

Методик талабларга қуйидагилар киради: аниқ ўқув фанининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш, маълум бир фанинг ўзига хослигини ҳисобга олиш, ахборотнинг замонавий методлари ўзаро боғлиқлиги, ўзаро алоқадорлиги, турли-туманлиги, амалга оширилиши.

Психологик талабларга идрок этиш (вербал-мантикий, сенсор-перцептив), тафаккур (тушунчавий-назарий, кўргазмали-амалий), диққати (қатъийлиги, бошқага кўчиши), мотивация (ишлашда фаол шакллари, юқори даражада кўргазмалилик, ўз вақтида қайта алоқа ёрдамида талабаларнинг юқори даражадаги мотивацияларини доимий равишда рағбатлантириш), хотира, тасавури, ёши ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш (эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини ҳисобга олиб, ўқув фани мазмуни ҳамда ўқув масалалари мураккаблик даражаси талабаларнинг ёш имкониятлари ва индивидуал хусусиятларига мос келиши, ўқув материални ўзлаштиришда ортиқча ҳис-ҳаяжонли, асабий, ақлий юкламалардан таъсирланишдан ҳимоялаш) киради.

Шулар билан бир қаторда техник, тармоқ талаблар, эстетик, махсус (интерфаоллик, мақсадга йўналганлик, мустақиллик ва мослашувчанлик, аудиолаштириш, кўргазмалилик, кириш назорати, интеллектуал ривожланиш, дифференциациялаш (табақалаштириш), креативлик, очиклик, қайта алоқа, функционаллик, ишончлик), эргономик ва методик (ўқув материални тақдим этишнинг тушунчали, образли ва ҳаракатли компонентларининг ўзаро боғлиқлигига таянган ҳолда қурилиши, ўқув материални юқори тартибли тузилма кўринишида таъминлаши мақсадга мувофиқ.



Бўлажак «Технология» фани ўқитувчисининг креативлигини ривожлантиришга таъсир этувчи дидактик омиллар.

Фанлараро мантикий ўзаро боғлиқликнинг ҳисобга олиниши, таълим олувчига ўқув материални босқичма-босқич ўзлаштирганлигини турли хилдаги назоратларни амалга ошириш асосида аниқлаш имкониятларининг яратилиши) талаблар киради.

Дастурий таълим воситаларидан фойдаланишнинг дидактик имкониятлари, таълим тизими самарадорлигида қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади:

1. Дастурий таълим воситалари асосида ўқитиш талабаларга ахборотларнинг ноанъанавий манбаларига мурожаат қилиш имкониятларини очиб беради, мустақил ишлар самарадорлигини оширади ва ижодий фаолият билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратади.

2. Дастурий таълим воситалари қўйилган методик мақсадларни амалга ошириши учун ўқитувчига ўқитишнинг турли шаклларида ва уларнинг мажмуасидан фойдаланиш, яъни зарурий таълим муҳитини барпо этиш имконини беради. Ўқитишнинг дастурий таълим воситаларидан фойдаланишда ўқитувчи компьютерлаштирилган ўқитиш ва назорат қилиш дастурлари шароитидан келиб чиқиб ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш имкониятига эга бўлади.

3. Автоматлаштирилган ўқув-ахборот тизимида фойдаланишга асосланган ўқитишнинг дастурий таълим воситаларини қўллаш натижасида ўқитувчилар ўзларининг ахборот билан таъминланганлик даражаларини оширибгина қолмай, балки деярли бутун дунёдаги ахборот жамламаларидан фойдаланиш имкониятига эга бўладилар [2; 3].

Дастурий таълим воситалар қуйидаги турларга ажралади: ўргатувчи дастурлар, тест дастурлари, машқ қилдиргичлар, ўқитувчи иштирокидаги виртуал ўқув муҳитини шакллантирувчи дастурлар.

Хулоса шуки, дастурий таълим воситалар компьютер технологиялари ёрдамида ўқув жараёнини қисман ёки тўлиқ автоматлаштириш учун мўлжалланган дидактик восита ҳисобланади. Улар таълим жараёнини самарадорлигини оширишнинг истиқболли шаклларида бири ҳисобланиб, замонавий технологияларнинг ўқитиш воситаси сифатида ишлатилади. Педагогик дастурий таълим воситалари динамик иллюстрациялар, овозли жараёнлар, анимациялар каби эффектларни амалга оширувчи дастурлардан фойдаланиб, талабаларнинг креатив фикрлаш қобилиятларини ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Красильникова В.А. Теория и технологии компьютерного обучения и тестирования / Монография. – М.: Дом педагогики, ИПК ГОУ ОГУ, 2009. – 339 с.

2. Турсунов С.Қ. Таълимда электрон ахборот ресурсларини яратиш ва уларни жорий қилишнинг методик асослари (педагогика олий таълим муассасалари «Web-дизайн» фани мисолида). Пед. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2011. – 138 б.

3. Расулова З.Д. Роль электронного учебно-методического комплекса в оптимизации учебных процессов. Academy 2021, № 3 (66), С. 54-58.

YANGI O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM

**ILMIY-METODIK JURNALI
BARCHA SOHALAR BO'YICHA**

**3-SON, MAY - 2021
2 – QISM**